70795

БУГУНГИ СОНДА:



1 - бет
Ислоҳот таҳлили



2 - бет
Ғалла мустақиллиги йўлида



3 - 4 бетлар
Расмий ташриф олдидан



6 - бет
Илҳом дақиқалари

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 8 июль, шанба. №81-82 (21.844.) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

7 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Пол Везианни қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Франция ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий соҳалардаги алоқаларнинг тобора ривожланиб бораётгани ҳақида сўзлар экан, Жан Пол Везиан ўзининг мамлакатимиздаги 3 йиллик элчилик фаолияти давомида икки давлат муносабатларининг мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшганини таъкидлади.

Жан Пол Везиан Франция дипломатияси вакили сифатида Ўзбекистондаги фаолияти якунлаётганини айтиб, ушбу масъулиятли вазифани адо этиш мобайнида ҳар икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик равнақига озми-кўпми ҳисса қўша олганидан мамнунлигини изҳор этди. У мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бундан буён янада мустаҳкамланади, дея умид билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.



СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Жан Пол Везианни қабул қилаётган пайт. Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

***

7 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония ташқи ишлар вазири ўринбосари Хироши Фукудани қабул қилди.

— Кейинги пайтда Япония сиёсатчилари ва тадбиркорлари делегациялари Ўзбекистонга тез-тез ташриф буюрмоқда,— деди Ислом Каримов.— Бу албатта, уларнинг Ўзбекистонга қизиқиши юқорилигини кўрсатади. Ўзбекистон ҳукумати ҳам Япония билан ўзаро манфаатли алоқаларнинг тобора равнақ топишига катта эътибор бермоқда. Япониялик тадбиркорларнинг синчков ва сермулоҳаза экани бизга яхши маълум. Лекин бугун ҳамкорлигимизнинг амалий даври бошлангани бизни мамнун этади.

Хироши Фукуда Япония ҳукумати Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар ривожини кузатиб бораётгани ва мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў. Султонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Укеру Магосаки ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон кон-металлургия мажмуининг устивор ривожланишини ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш саноати учун юқори малакали мустахассислар тайёрлашни таъминлаш мақсадида:

1. Навоий вилояти ҳокимлиги, «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг Навоий техника коллежи негизида Навоий давлат кончилик институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар институт фаолиятининг асосий вазифалари ва, йўналишлари этиб белгилансин:

— кончилик ишлари, кон-металлургия, кимё-технология, энергетика ва машинасозлик соҳалари бўйича мутахассислар — конструкторлар технологлар, таъмирловчилар ва шу соҳаларнинг ишлатувчиларини тайёрлаш;

— жаҳон фундаментал ва амалий тадқиқотлари ютуқларини ўрганиш асосида фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш соҳасида ўз илмий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш;

— фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида янги илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни республиканинг муайян геологик ҳамда иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга жорий қилиш;

— жаҳон фани ва технологияларининг энг янги ютуқлари негизида фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида мутахассислар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш;

— республика кончилик тармоғини ривожлантиришни илмий таҳлил ва прогноз қилиш;

— чет эллардаги йирик ўқув юртлари, МДҲ мамлакатларидаги етакчи кончилик ва кон-металлургия олий ўқув юртлари ҳамда илмий марказлари билан кенг кооперацияни амалга ошириш.

3. Навоий шаҳридаги 2-ҳунар-техника билим юрти негизида Навоий давлат кончилик институти ҳузурида коллеж ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 15 кун муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 7 июль

Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи муносабати билан

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ
ТАНСУ ЧИЛЛЕР



1946 йилда Истанбул шаҳрида туғилган. Ўша ерда Америка коллежини тугатган.

1967 йилда Босфор университетини тугатиб, иқтисод магистри даражасини олган. 1971 йили Коннектикут университетида иқтисодиёт бўйича докторлик диссертациясини ёқлаган ва Йел (АҚШ) университетининг докторантликдан сўнг қабул қилинадиган курсларида малака оширган.

1978 — 1990 йиллар — Истанбулдаги Босфор университети иқтисод факультетининг профессори.

1990 йил ноябридан — Тўғри йўл партияси (ТЙП) га аъзо бўлиб, сиёсий фаолият билан фаол шуғуллана бошлаган.

1991 йил октябридан — Туркия парламенти аъзоси.

1991 йил ноябридан — иқтисодиёт учун масъул давлат вазири.

1993 йил 13 июнда Тўғри йўл партияси (ТЙП)нинг навбатдан ташқари қурултойида партия раиси этиб сайланган.

1993 йил 14 июнда Президент С. Демирэл Тансу Чиллерга Туркия Бош вазири сифатида янги ҳукуматни тузишни топширган.

Тансу Чиллер Туркия тарихида аёллардан чиққан биринчи ҳукумат бошлиғидир. У 9 та илмий иш муаллифи.

Оилали. Турмуш ўртоғи — Ўзэр Чиллер, иқтисодчи.

Икки фарзанди бор. Инглиз ва немис тилларини яхши билади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати.

ҚИШЛОҚ ИСТИҚБОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

ҚИШЛОҚДА КИЧИК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

Куни кеча Тошкентда Ислом Каримов раислигида бўлиб ўтган республика Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва чет эл сармоялари бўйича идоралараро кенгаш мажлисида қишлоқ жойларда кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришнинг аҳволи ва уни жадаллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Мажлисда ўз фаолиятини қишлоқда ташкил этадиган **кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасидаги устувор йўналиш** экани қайд этилди. Зеро, ҳозирги вақтда республика аҳолисининг 61 фоизи ёки 13,8 миллион киши қишлоқ жойларида яшайди. Аҳоли ўсиш жараёни суръатлари сақланиб қолгани ҳолда 2000 йилга бориб бу кўрсаткич 16,1 миллион кишига етади.

Бу вазият ҳозирнинг ўзидаёқ рўй бериши мумкин бўлган ижтимоий тангликнинг олдини олувчи ҳамда қишлоқ жойларда яқин келажакдаёқ аҳолининг турмуш даражасини анча оширишга имкон берувчи янги тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ривожлантириш борасида зарур чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда.

Ғарчи мустақилликнинг дастлабки йилларида шўро давридаги 70 йилдагига нисбатан ушбу қишлоқларни газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлаш 3-4 баравар кўпайган бўлсада, қишлоқларимиз қиёфаси секин ўзгармоқда, уни эса тадбиркорликни ривожлантириш орқали амалга ошириш мумкин.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотнинг иккинчи босқичида қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, ортиқча ишчи кучини жалб этиш мақсадида кичик корхоналар барпо этиш ҳамон долзарб масала бўлиб турибди, деди Ислом Каримов мажлисда. Бошқача айтганда, 3 миллион 600 минг қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнатга яроқли одамларнинг деярли 2,2 миллион нафарини бемалол саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтказиш мумкин.

Жаҳон тажрибасига кўра, қишлоқ жойларида кичик бизнесни ривожлантириш ва хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ушбу муаммони ҳал этишнинг энг самарали йўли ҳисобланади. Хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини қайта ишлаш, замонавий ўраш-жойлаш материалларидан фойдаланиш хорижий мамлакатлар бозорларида Ўзбекистондаги кичик қишлоқ корхоналари маҳсулотларининг юқори даражада рақобатбардошлигини таъминлай олади.

Шу мақсадда республикада кичик ва хусусий бизнесни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминловчи зарур ҳуқуқий асос яратилган. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида, республика Президентининг фармонларида, ҳукумат қарорларида кичик ва хусусий бизнесдан солиқ олиш, унга молиявий ёрдам кўрсатиш борасида имтиёзлар бериш, имтиёзли кредитлар ажратиш, бизнесни ташкил этишда, уни моддий-техника ва хомашё ресурслари билан таъминлаш борасида кўмаклашиш назарда тутилган.

Ана шу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, ҳозирги вақтда халқ хўжалигида 30770 кичик корхона ва кооператив, 20115 хусусий корхона ишлаб турибди, 15,6 минг фермер хўжалиги ташкил этилган, уларга 200 минг гектарга яқин ер биркитилган бўлиб, 67,5 минг киши меҳнат қилмоқда.

Фермер хўжаликларининг тасарруфида 190 минг бошга яқин қорамол, бошқа ҳайвонлар мавжуд. 1995 йилнинг фақат биринчи чорагидагина фермер хўжаликлари томонидан ўтган йилнинг тегишли даврдагига нисбатан икки баравар кўп гўшт ва сут тайёрланди.

«Маҳаллий саноат» корпорацияси аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни амалга оширмоқда. 1993-1995 йиллар мобайнида корпорация қишлоқ жойларида 200 дан зиёд кичик ва хусусий корхона ташкил этди. Уларда қарийб 11 минг киши меҳнат қилмоқда.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма томонидан республиканинг 187 туман ва шаҳарида бўлимлар очилди. Қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва хизматлар кўрсатиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун ушбу жамғарма томонидан 62 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилди.

Ўтган бир ярим йил мобайнида кичик ва ижара корхоналарига, шунингдек кооперативларга, деҳқон хўжаликларига ва тадбиркорларга жами 1222,3 миллион сўм миқдорида кредит берилди.

«Ўзқишлоқўзаликтаъминоттузатиш» тизимида қишлоқ тадбиркорларига сервис хизмати кўрсатиш бўйича 160 дан кўпроқ марказ ишлаб турибди, бу ўтган йили фермер хўжаликларига 57 миллион сўмлик механизмлар ва асбоб-ускуналар етказиб бериш имконини яратди. 174 та майда улгуржи дўконлар орқали қишлоқ хўжалиги техникаси, эҳтиёт қисмлар, узеллар, бутловчи-деталлар сотилди, 24,2 миллион сўмлик турли хизматлар кўрсатилди.

Шунга қарамай, қишлоқ жойларда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам кўп. Бу, аввало, қишлоқ жойларда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши орқада қолаётганида, хусусан, кичик бизнес корхоналари шохобчаларини шакллантириш гоят суст ва кам самара билан амалга оширилаётганида кўринади.

Ҳудудий ва идоравий бошқарув тузилмалари раҳбарларининг ташаббуссизлиги ва ушбу муҳим давлат вазифасига юзаки ёндашуви қишлоқда кичик ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган асосий сабаблардир.

Яширишнинг ҳожати йўқ, бир қатор раҳбарларнинг ушбу жараён йўлидаги тўсқинликлари кўп жиҳатдан уларнинг эркин, хусусий тадбиркорларнинг янги ижтимоий қатлами шаклланиши билан рақобат муҳити юзага келишидан қўрқиши, янгича шароитларда ўзларининг лаёқатсизлиги ва эгаллаб турган лавозимига номувофиқлиги аён бўлиб қолишидан чўчиши билан изоҳланади.

Вилоятлар ва туманларда янги тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқлар кўп ҳолларда қўйидагиларда намоён бўлмоқда: маҳаллий ҳокимият органлари, шунингдек назорат қилувчи ташкилотлар ходимлари томонидан қишлоқ тадбиркорларининг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашуви ва улар ҳуқуқларининг камситилиши, кичик ва хусусий корхоналарни рўйхатдан ўтказишни соддалаштириш тўғрисидаги ҳукумат қарорларининг бажарилишига расмиятчилик билан ёндашиши, кўчмас мулк объектларини, айниқса, қурилиши тугалланмаган иншоотларни кимошди ва танлов асосида сотиш тажрибасининг ёйилишига тўсқинлик қилиш, қишлоқ тадбиркорлари ўқувини ташкил этиш даражасининг пастлиги, тадбиркорларга юридик, молиявий ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш бўйича махсус фирмаларнинг йўқлиги.

Шу туфайли қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган ишларнинг аҳволи қониқарсизлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Меҳнат ресурсларини тақсимлашнинг ривожланган мамлакатларда қарор топган мақбул тармоқ тузилмасини ҳисобга олиб, меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг камида 50 фоизини хизматлар кўрсатиш соҳасига жалб этишга эришиш зарур.

Бунинг учун нима қилиш керак? Аввало, барчамиз қишлоқ жойларидаги ҳақиқий аҳволни билишимиз, шунга қараб муайян чора-тадбирлар белгилашимиз лозим, деди Президент. Бир мисол келтирай. Кўп жойларда 50 гектар ерга эга бўлган бригадада 100 дан зиёд одам ишлайди. Ҳолбуки, сўраб-суриштирсангиз, ана шу ерга ишлов бериш, ундан ҳосил олиш учун 10-12 ишчи кучи кифоя қилади. Буни ана шу бригада бошлиғи, жамоа хўжалиги раиси биладими? Билади! Лекин, иложи йўқ, одамларни қаерга олсин? Ҳаммаси шу қишлоқда яшаса, қарамоғида 5-6 тадан жон бўлса.

Албатта, бундай аҳволда юқори даромад олиб бўлмайди. Ўша бригадир ёки раисдан бу вазиятдан қандай чиқасиз деб сўрасангиз, ҳосилдорликни оширамиз, дейди. Ҳосилдорликни қанча ошириш мумкин? Бунда мўъжиза кутиб бўлмайди! Қолаверса, катта сарф-харажат, таннарх кўтарилиши эвазига оширилган ҳосилдорликдан наф йўқ. Чунки у даромад келтирмайди.

Демак, вазият қишлоқда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни, кўплаб кичик-кичик корхоналар қуришни, сервис-хизмат кўрсатиш соҳаларини йўлга қўйишни тақозо этмоқда, дея таъкидлади Президент.

Аммо бу вазифани ҳал этиш борасида Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Жиззах, Наманган, Хоразм вилоятларида ташкилий ишлар етарли даражада амалга оширилмаяпти. Қишлоқ меҳнаткашларининг бино ва майдонларга эгалик қилиш, уларни касбга қайтадан ўргатиш ва қишлоқ аҳли учун зарур маиший хизмат турларини ривожлантириш масалалари ҳал этилмаяпти.

Қишлоқ жойларидаги бизнесни ривожлантиришнинг муҳимлигини англамаслик, мазкур муаммони ҳал этишдаги лоқайдлик кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш учун жавобгар бўлган айрим вазирлик ва идоралар раҳбарларига ҳам хосдир. Хусусан, давлат мулки қўмитаси ва «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси ҳанузгача қишлоқ жойларда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни тартибга солувчи яхлит концепцияни ишлаб чиқмаган. Қишлоқ

(Давоми 2-бетда).

«ҲОЗИРЖАВОБ ВА СЕРМАЗМУН АСАР»

ДЕБ ТАЪКИДЛАДИЛАР ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА» НОМЛИ КИТОБИГА БАҒИШЛАНҒАН ДАВРА СУҲБАТИ ҚАТНАШЧИЛАРИ.

Уни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Президентимиз асарини ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги ўз қарорига биноан уюштирди. Китоб хусусида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов, Республика «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раиси Шукур Темуров ва бошқалар мустабидчилик тузуми, маъмурий қумондонлик тизимидан сифат жиҳатидан тубдан фарқ қилувчи янги инсоний, демократик, адолатли жамиятни бунёд этишга киришган халқимиз учун истиқлолимиз истиқболларини, ўтиш даврининг хусусият ва қонуниятларини, туб ислоҳотларни амалга оширишнинг йўл ва воситаларини аниқ-равшан кўрсатиб берувчи илмий тадқиқот ҳамда амалий қўлланмаларнинг аҳамияти нақадар катта эканлигини қайд этиб, Ислом Каримовнинг мазкур асари худди шу ҳаётий заруратдан келиб чиқиб, яратилганини таъкидлаб ўтдилар.

Муаллифнинг илмий хулосалари, нуқтаи назари халқимизнинг бой тарихий тажрибаси ва орзу-умидлари, Ғарбу Шарқ ривожланган давлатларнинг амалиёти, ҳаётий воқеликлари, мавжуд шарт-шароит ҳамда имкониятлар истиқболимизга комил ишонч негизига қурилган. Китобдаги Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли, мамлакатимизда бозор муносабатларини жорий этишнинг узига хослиги, ўтиш даврининг асосий тамойилларига бағишланган ёки иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг якун ва сабоқлари, унинг иккинчи босқичи асосий вазифа ва устивор йўналишларига доир бобларни ўқиган киши бунга тамомила ишонч ҳосил қилади.

Асарда кечаги кун бугунги, бугунги кун эса эртанги билан, назария амалиёти ила узвий боғланганлиги туфайли ҳам у алоҳида қимматлидир. Китобни ўқиб, ўрганган кишининг тафаккур доираси кенгаяди, сиёсий онги ошади ва унда мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган кенг қуламли тақдириламон ишларга дахлдор бўлишлик ҳисси кучаяди.

Давра суҳбатининг унинг барча иштирокчилари, хусусан, ушбу китобни ўрганиш ва тарғиб этишни ташкил қилиш топширилган партиямиз кенгашлари масъул ходимлари, партиявий нашрларимиз ижодий жамоалари аъзолари учун фойдали бўлганлиги шубҳасиздир.

С. ҚУРБОНОВ.

ДЕПУТАТЛАР ҲИСОБ БЕРДИЛАР

Партиямиздан кўрсатилиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайланган вакилларимизнинг ўз сайловчилари билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. 2-Октепа сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига сайланган республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Шукур Темуров Акмал Икромов туманидаги Уткир маҳалласи аҳолиси билан учрашди. У ўзининг депутатлик фаолияти, Олий Мажлис иккинчи сессияси якунлари, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ҳақида гапириб берди.

225-Касби сайлов округида Олий Мажлис депутати Фармон Омонов ҳам ўз сайловчилари билан учрашди.

ҚИШЛОҚ ИСТИҚБОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тадбиркорларига турли вазирлик ва идоралар, мамлакатдаги ва хорижий ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ёрдамни мувофиқлаштиришни амалга ошириш принципларини аниқламаган.

Ҳокимликлар, вазирликлар, катта-катта ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари шуни тушуниб етиши керакки, **одамларни қишлоқдан завод ва фабрикаларга эмас, балки саноатни одамлар ҳузурига — қишлоққа олиб бориш керак!** Бунда 20, 60 миллион доллар турдаги гигант фабрикалар эмас, балки **ихчам, керак бўлганда ишлаб чиқарадиган маҳсулоти турини тез ўзгартира оладиган корхоналар қуришга аҳамият бериш лозим.**

Қишлоқ бизнесини молиявий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш шакллари ва банк хизмати кўрсатиш тажрибаси бу тузилмаларда жиддий норозиликлар келтириб чиқармоқда.

Қишлоқ тадбиркорларининг кўплаб асосли лойиҳалари ва истиқболли ташаббуслари зарур молиявий ресурслар ва амалий қўллаб-қувватлаш тизимининг йўқлигига дахлдор бошқа сабаблар туфайли амалга оширилмай қолиб кетмоқда.

Бу қишлоқларда кичик ва ўрта бизнеси сармоя билан таъминловчи давлатга қарашли бўлмаган кучли жамғарма ташкил этишни тақозо қилмоқда.

1994-1995 йилларда республикада 1715 та хусусий корхона, шу йилнинг биринчи чорагида эса Навоий, Жиззах, Наманган, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 287 фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатган. Рўйхатга олинган кўпгина корхоналар ишламаяпти. «Ўзтадбиркорбанк» бўлимларида 1995 йил мобайнида рўйхатга олинган 6,3 минг кичик ва хусусий корхона ҳисобкитоб счётида ҳеч қандай операция амалга оширилмаган.

Солиқ сиёсатини амалга оширишда кичик ва хусусий корхоналар ҳуқуқларини камситишга йўл қўйилмоқда. Бунинг устига солиқ тизими жуда мураккабдир. Тадбиркорлар солиқ тўлаш масалаларини яхши фарқлай олмайдилар, шу сабабли уларнинг кўплари ўзларига берилган солиқ соҳасидаги ва бошқа имтиёзлардан фойдалана олмаяптилар.

Вазирликлар, идоралар ва ҳокимликларнинг раҳбарлари йирик корхоналарнинг маҳаллалар билан узвий алоқасини таъминлайдиган янги ташкилий шаклларни яратиш, қишлоқ жойларда бу корхоналарнинг бўлимлари ва цехларини ташкил этиш бўйича самарали чора-тадбирларни кўрмаяптилар.

Шаҳарларда жойлашган хусусий корхоналар маблағларини қишлоқ жойлардаги кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга жалб қилиш учун яратилган механизм деярли ишламаяпти.

Муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари нималардан иборат? Аввало вилоят ва туман ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари республика ҳукумати томонидан қишлоқ жойларидаги кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган барча ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилиши учун масъулиятни кучайтиришлари ва талабчанликни оширишлари керак.

Бунда буйруқбозлик, сансалорлик ва порахўрлик ҳолатларига барҳам беришга, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ҳамда кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида ички имкониятларни қидириб топишга, тадбиркорларга юридик, ахборот ва бошқа хизмат турларини кўрсатувчи маслаҳат фирмаларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Бу камчилик ва нуқсонларни тугатиш, тадбиркорлар йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш доимо бизнинг диққат марказимизда турибди ва бунга қатъият билан эришамиз, деди Ислом Каримов. Лекин масаланинг яна бир муҳим жиҳати борки, бу ҳақда алоҳида тўхталмоқ зарур. Гап одамларни, айниқса **қишлоқ аҳлини, ёшларни боқимандалик кайфиятидан халос этиш, уларда тадбиркорлик, ишбилармонлик иштиёқини уйғотиш, бошқача айтганда, уларга ана шу «касаллик»ни «юқтириш» хусусида кетяпти. Балки, бу борада тиббий тил билан айтганда, «эмлаш» чораларини кўриш лозим бўлар.** Хуллас, бозор муносабатлари соҳасидаги саводсизликка барҳам бериш, ҳамма бозор илмини эгаллаши лозим. Демоқчиманки, токи ҳар бир одам кўнглида катта-катта ишлар қилиш менинг ҳам қўлимдан келади, деган ишонч зуҳур бўлмас экан, ҳар бир одам яратувчанлик, ҳалол даромад топиш, бойиш ишқи билан ёнмас экан — қишлоқда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш қийин бўлади. Қишлоқ хўжалигида, ерда банд бўлган ишловчиларнинг 90 фоизини шу йўл билан бошқа соҳаларга ўтказмас эканмиз, қишлоқда ислоҳот кўнгилдагидек натижани бермайди, дея таъкидлади Президент.

Бунинг учун эса Япониядагидек тадбиркорларни қўллаб-қувватловчи, рағбатлантирувчи тизим барпо этиш зарур. Бундан ташқари, қишлоқлардаги ҳеч кимга кераксиз тракторчилар тайёрлайдиган юзлаб билим юртларини қидириб топишга, бозор муносабатлари шароитида ишлаш ва яшашга ўргатадиган билим масканларига айлантирмоқ даркор. Республика Меҳнат вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги бу борада амалий ишга ўтиши керак. Айниқса, сервис хизматини йўлга қўйишга алоҳида аҳамият бериш, аҳоли қўлида қолиб кетаётган пул маблағларини шу йўл билан олиш, уларни оборотга киритиш — муҳим масаладир. Республикада «Ер банки» ташкил этиш фурсати ҳам етди, деб ўйлайман. Ана шу тадбирларни амалга оширсак, қишлоқ аҳлини, ёшларни бу янги ишларга жалб эта олсак, уларни қўллаб-қувватлаб турсак, иншооллоҳ, қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотлар ҳам ўз самарасини беради, деди Президент. Фақат дадил ҳаракат қилиш керак. **Бундан 2-3 йил илгари нефть, ғалла мустақиллигига эришамиз деганимизда, яширишнинг ҳожати йўқ, кўпчиликка бу тоғдай улкан, оғир вазифа бўлиб туюлган эди. Лекин дадил ҳаракат қилиб уддасидан чиқдик-ку!** Ҳозир қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш ҳам биздан шундай саъй-ҳаракат қилишни тақозо этмоқда.

Кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг ягона, комплекс сиёсатини юргизиш, вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, турли фондлар ва бошқа ташкилотлар фаолиятларини мақсадга йўлланган тарзда мувофиқлаштириш учун Давлат мулки қўмитаси марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари таркибида мустақил бўлинмалар ташкил этилиб, кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш масалаларини ҳал этиш улар зиммасига юклатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қишлоқ жойларда рақобат қила оладиган корхоналарни ташкил этишнинг барча мураккабликларини ва республика қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилишда қишлоқда кичик тадбиркорликни ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг ўта муҳимлигини назарда тутиб, бу тоифадаги корхоналар учун уларнинг жадал шаклланишлари ва ривожланишларини рағбатлантирувчи бир қатор қўшимча имтиёзларни назарда тутмоқ керак.

Қишлоқ жойлардаги тадбиркорларга юридик, техник, молия ва бошқа масалаларни ҳал этишларида ёрдам бериш мақсадида консалтинг (маслаҳат) фирмалари тармоғини ташкил этиш, Давлат мулки қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси ҳудудий бўлинмалари зиммасига уларга ахборот ёрдами беришни юклаш лозим.

Ҳозирги кунда 70 дан ортиқ вазирлик, идора, ташкилот ва муассаса аҳолига ҳар хил турдаги хизматларни кўрсатмоқда. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва бу йўналишдаги сиёсатни мувофақиятли юргизиш мақсадида қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш концепциясини республика иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги талабларини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқиш лозим.

Бу концепцияда коммунал, маиший, тузатиш-қурилиш, сервис хизматлари ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турларини комплекс ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий, молиявий ва моддий-техник шароитларини яратиш, шунингдек, қишлоқ аҳолисини хизмат кўрсатишнинг бу соҳадаги ишга қасбий қайта йўллаш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш масалалари қамраб олиниши керак.

Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни кучайтириш мақсадида йирик корхоналарнинг улар атрофидаги маҳаллалар билан ҳамкорликларини йўлга қўйиш лозим. Бу мақсадда дастлабки босқичларда тажриба тариқасида «Корхона — маҳалла» тусидаги махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ўринлидир. Шунингдек, қишлоқ жойларда йирик корхоналар бўлимлари тармоғини ташкил этиш тажрибаси ҳам кенг жорий қилиниши керак.

Кичик ва ўрта бизнесга мўлжалланган кредит маблағларни ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жуда суст суръатларда ажратмоқда. Бу кредит ресурсларидан фойдаланишни кўриб чиқадиган кенгаш ташкил этиш зарур.

Нега Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ажратган 60 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитдан фойдаланиш чўзилиб кетмоқда? Сабаб шуки, бизда ана шу кредитни олувчилар аниқланмаган. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки қошида шундай кенгаш тузилса, бу ишлар анча тезлашган бўлур эди.

Мажлисда сўзга чиққанлардан айримлари тадбиркорлар фаолиятини давлат бошқарса, деган истак билдиришди. **Йўқ, деди Ислом Каримов биз амалга ошираётган ислоҳотнинг асосий моҳияти мулкни, иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш, сиёсатдан халос этиш эмасми? Бу йўлдан ортга қайтиб бўлмайди.** Бизда ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилидан бири — давлатнинг мазкур даврда бош ислоҳотчи бўлишидир. Лекин бу иқтисодиётни, ишлаб чиқаришни, тадбиркорлик фаолиятини давлат бошқаради, дегани эмас. Давлат уларнинг самарали ишлаши учун шароит яратиб беради. Қонунлар, солиқлар орқали уларни аниқ мақсадларга йўналтириб туради, керак бўлганда манфаатларини ҳимоя қилади, дея таъкидлади Президент.

Шу маънода, республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича махсус қонун ишлаб чиқиш зарурати бор, деб ўйлайман. Шунингдек, тадбиркорлар оладиган кредитлар учун имтиёзли кафолатлар берадиган суғурта компанияси, ана шу кредитларни йўналтириш бўйича лойиҳалар тайёрлайдиган «Ўзбексармоялойиҳа» компанияси ташкил этиш керак.

Бизнинг барча ҳаракатларимиз моҳиятан Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига эришишга қаратилган, деди Президент пировардида. Қишлоқни юксалтирмасдан, халқ хўжалигининг бу соҳасини ўзгартирмасдан, ана шу улуғ мақсадга восил бўла олмаймиз. Ҳар биримиз бу ҳақиқатни дилга жо этиб ящамоғимиз, меҳнат қилмоғимиз, курашмоғимиз даркор.

Аҳмад ТОШХЎЖАЕВ.
(ЎзА).

МУШТАРИЙЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Яқинда Тошкентдаги республика байналмилал маданий марказида Марказий Осиё давлатлари почта алоқаси маъмуриятлари ва матбуот нашрларини тарқатиш корхоналари раҳбарлари учрашуви бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги турли миллий маданий марказлар фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам иштирок этди.

«Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида ўтган ушбу анжуманда иштирокчилар Қозоғистон, Қирғизистон Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон халқларининг тарихий бирлиги ва келажаги муштараклигини алоҳида таъкидладилар. Халқларимизнинг ҳамкорлигини ривожлантиришда ягона ахборот ҳудуди муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди. Учрашувда шунингдек, Марказий Осиё давлатларида чоп этилаётган нашрларни минтақа бўйлаб тарқалишини яхшилаш, бу йўлдаги муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

ЯНГИ ЭЛЧИ

Барбара Хэй Буюк Британиянинг Тожикистон Республикасида Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди. Шу муносабат билан у Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновга ишончномасини топширди.

ҚАРДОШЛИК АЛОҚАЛАРИ

Яқинда Қозоғистоннинг Пушкин вилояти раҳбари Ж. Косабоев раҳбарлигидаги делегация аъзолари Фарғона вилоятига ташриф буюрди.

Ташриф давомида икки вилоят ўртасида маданий, илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Мазкур шартнома икки халқнинг азалий алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЯНГИ ҚЎМОНДОН

МДҲ тинчликни таъминлаш кучлари олий бош қўмондони этиб тайинланган Валентин Бобришев ўз хизмат вазифасини бажаришга киришди. Генерал-лейтенант ҳарбий унвонига эга бўлган 50 ёшли В. Бобришев кўп йиллар Болтиқбўйи ҳарбий округида хизмат қилган. Сўнгги вақтларда эса Тожикистондаги МДҲ тинчликни таъминлаш кучлари бирлашган қўмондонлиги бош штаби бошлиғи эди. Янги қўмондон оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Тожикистонда тинчликни таъминлаш қўмондонлигининг биринчи галдаги вазифаси эканини таъкидлади.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ХДП: бугун ва эрта ташвишида

ЎРИМНИ ЎРИНЛАТАЁТГАНЛАР

Мирзачўл туманидаги С. Сегизбоев номли ижара ширкатлари бирлашмасида ХДП бошланғич ташкилотининг навбатдаги умумий йиғилиши устидан чиқиб қолдим. Партия аъзолари ғалла ўримйиғимини тезу соз ўтказиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишиб, мавсум иштирокчиларига ҳақ тўлаш ва илғорларни рағбатлантириш масалаларини муҳокама этишарди.

Дарвоқе, бугунги кунда нафақат ХДП аъзолари учун, балки барча қишлоқ меҳнаткашлари учун суҳбат мавзуси ҳам, кундалик ўй-ташвишлар ҳам ғалладир. Оғирлиги бир мисқол ҳам келмайдиган биттагина донни экиб, уни бўлиқ бошоққа айлантиргунча ғаллакор сарфлаган меҳнату, пешонадан тўкадиган инжулар у билан ёнма-ён яшаб, бирга меҳнат қилаётганларга кўпроқ аёндир. Шу сабабдан ХДП аъзолари ўрим-йиғим ташвишини ғаллакорлар билан бирга тортадилар, оғирини енгил, узоғини яқин қилсак, дейдилар.

Бирлашма бошланғич ташкилоти ҳисобида 71 нафар аъзо бор. Улар оддий ишчи, механизатор, муҳандис, ҳосилот ва бошқа касб эгалари. Кўпчилиги пахтазорларда ишласалар-да шу кунларда ўрим комбайнлари ва бошқа ғаллачилик техникаларини бошқара оладиган барча ХДП аъзолари ғаллазорларга сафарбар этилган.

— ХДП аъзолари бизнинг катта кўмакчимиз ва маслаҳатгўйимиз, — дейди бирлашма директори Бегим Сериков. — Улар ёрдамида еттита комбайнимизни бир зум ҳам тўхтатмасдан ишлатишга эришаётирмиз. ХДП аъзоларидан Босим Махимов, Бейсен Есенқулов ва Диас Аҳметов сингари комбайнчиларимиз юқори унум билан ишлабгина қолмай, бошқа дарғаларга ҳам ёрдам қўлини чўзишмоқда.

Директорнинг мамнунлигидан кўриниб турибдики, бирлашмада ўрим-йиғим суръати кўнгилдагидай бормоқда. Ҳосилдорлик-чи? Биринчи бўлиб ўримни ўринлатган ХДП аъзоси Бахберген Қурбонов бошлиқ звено ғаллакорлари 85 гектар буғдойзорнинг ҳар гектаридан 50 центнердан сара дон йиғиб олдилар ва хирмонда қуритиб тозаланган 425 тонна буғдойнинг 268 тоннасини давлатга сотдилар. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, звенода ишлайдиган 5 кишининг ҳар бири эл хирмонига 53 тоннадан дон етказиб берди. Шу кунларда звено аъзолари ғалла ўрнига дон учун маккажўхори экмоқдалар. 15 гектар майдонга кечки сабзавот экиб қўйдилар.

Бирлашманинг Деҳқон Утенов, Бебит Асанханов, Есенбек Тиленов, Дуйсен Есенқулов ва Ержан Нишоновлар бошлиқ звеноларида ҳам ҳосилдорлик гектарига 44-45 центнердан кам бўлмаётир. Бу звеноларнинг аъзолари ўтган йили ҳам ҳосилдорлик бўйича вилоятда олдинги ўринларни эгаллаган эдилар.

Бирлашма ғаллакорлари бу йил бултургига нисбатан икки баравар кўп — 1500 гектар майдонда ҳосил етиштирдилар. Шунга қарамай ўрим-йиғим тез ва сифатли ўтказилмоқда. Бунинг асосий сабаби бирлашмада бултур пахта тайёрлаш режасининг оширилиб бажарилгани бўлди. Негаки, чўлқувар-лар ўз тасарруфларида қолган 791 тонна тола пулидан 4 та комбайн, 15 та трактор, кўплаб тиркама арава сотиб олганди. Ўрим-йиғим иштирокчиларига иш ҳақи ўз вақтида бериб бориляпти.

— Мавсум олдидан ҳар бир пайкал ҳосилдорлигини аниқлаб, комбайнчиларга далолатномалар билан топширган эдик, - дейди ХДП бошланғич ташкилоти котиби Нормурод Бердиёров. — Ўрим-йиғимнинг дастлабки натижалари ҳисоб-китобда янглишмаганимизни кўрсатмоқда. Бирлашма бўйича ҳар гектар ғаллазордан 45 центнердан ҳосил олиб, мавсумни якунлаймиз.

Республикамиз ғалла мустақиллигининг мирзачўллик жонкуярлари аҳдлари ана шундай баланддир. Халқда «Аҳди буюк — элда суюк» деган ҳикмат бор.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУҒДОЙ НОНИНГ МЎЛ БЎЛСИН

Билмадим, юрт соғинчими, бу тонг жуда эрта уйғондим. Қишлоқдошларим аллақачон дала юмушларига шўнғиб кетибди. Аслида, улар ҳар доим чумчуқлар чуғурламасдан туришга одатланишган. Эрта тонгда ҳаво салқин, мириқиб нафас олиш, унумли ишлаш мумкин. Назаримда, эрта турган кишининг иши баракали бўлади, деган гап қишлоқ одамларидан чиққандай. Нима бўлганда ҳам Чироқчида ўтган бир кун тез, аммо баракали бўлди.

Даставвал туман ҳокимининг ўринбосари Ўрол Қувватов ҳамроҳлигида «Кўкдала» жамоа ширкат хўжалигига йўл олдик. Йўл-йўлакай «Меҳнатобод», «Чиял» ширкат хўжаликлари ғаллазорларини кўриб ўтдик. Чиялликлар бу йил ҳам 20 минг гектарга яқин майдонда дон етиштирдилар. Бўлиқ бошоқлар, нақ белга урадиган буғдойзорларни кўриб, ғалла мустақиллигига тириб олсак бўлди.

Дарвоқе, чироқчиликларга Фарғона, Намангандан ҳам ғалла ташиш учун юзга яқин ёрдамчилар ўз машиналари билан келган.

Шу ерда машинани алмаштириб, ғаллазорга, ўрим - йиғим бошига йўл олдик. Хўжаликнинг 2-агроучасткасида Абдин акани вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси қоракўлчилик бўлими бошлиғи Жумабой Омаров билан учратдик. Улар «Кўкдала»да қоракўлчиликни янада ривожлантириш имкониятлари борасида фикрлашаётган экан. Салом-аликдан сўнг, иссиққа бардошимиз чидамай комбайнчилар ётоғига бош суқдик.

Шу агроучастка ғалла омборида ҳам бўлдик. Абдин ака қўлига хирмондаги буғдойдан олиб тўқ, дея ишора қилди. Ҳа, буғдойнинг тўқлигини кўриб суюндик. Биргаликда дўл урган майдонларни ҳам кўздан кечирдик. Худди кўпкари чопган майдонга ўхшаб, ғаллазор ётиб қолган. Айрим бошоқлар ерда синиб ётибди. Туманнинг «Бешчашма», «Шўркудуқ» ва мазкур хўжаликда табиий офатга қарши тезкор гуруҳлар тузилиб, уни бартараф этишга киришилган. Ғалла майдонлари қўл билан ўроқда ўрилиб, комбайнлар орқали чиқариб олинмоқда. Тозаланган майдонларга май ойининг иккинчи ўн кунлигида чигит ва бошқа экинлар уруғи экилган. ЎзХДП фаоллари, ўқитувчи, шифокор ҳамда фахрийлардан иборат ёрдамчилар қўлда ўримни давом эттиряптилар.

Қайси хўжаликда бўлмайлик, ғаллакорлар «нондан олинг, бу йилги янги ундан» дейишади. Иссиқ буғдой нони ғаллада ишлаётганларга хўжалик тегирмонларида янчилиб, пешма-пеш пиширилиб бериляпти. Тановул қиларканман, таъми оғзимда қолиб, юртимнинг буғдой нонига не етсин, дейман.

Тумандаги Салим Жўраев, Файзулла Хўжаев номли ширкат хўжалиги ғаллакорлари ўрим-йиғимни биринчилардан бўлиб тугаллади.

Ҳамид Олимжон, Дилла Сафаров номли жамоа хўжаликларида ҳам ҳосилдорлик яхши. Гектар бошига 35-39 центнердан тўғри келяпти. Дашт жойларда лалми ерлардан 13-15 центнердан сара дон олинаяпти. Айниқса, Дилла Сафаров номли хўжаликка уддабурон раҳбар Ислом Боймирзаев келгандан сўнг, хўжалик қолоқликдан илғорлар сафига қўшилди. Ҳар йили пахта, ғалла режасини бажаришда улар бошқаларга намуна бўлмоқда.

Чироқчиликлар бу йил 84 минг гектардан зиёд майдонда ғалла етиштирдилар. 300 дан зиёд комбайн унум билан ишлаяпти. Туман ҳокими Турсунпўлат Каримовнинг иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо туман аҳли, хўжаликлардаги деҳқону ғаллакорларнинг илиқ гапларидан англадикки, туман бўйича бу йил ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан 20 минг гектарга яқин майдондаги ҳосил кўп ўрилган. Бу ғаллакорлар ғайратини кўрсатиб турибди.

Шу куни юзлаб одамларнинг шукрона гапларидан ҳузур қилдим, чироқчиликларнинг кайфияти менга руҳий тетиклик бахш этди. Ниятимиз, иншооллоҳ, уларнинг хирмони баракали бўлсин!

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Наманган вилоят Мингбулоқ туманидаги «Ўзгариш» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ҳусанбой Мансуровни бу йилги ҳосил чўғидан ниҳоятда мамнун бўлган чоғида учратдик. Қўлида бўлиқ бошоқларини тутиб, бу йилги хирмон баракали бўлишини дил-дилдан истаяпти. Биз ҳам унинг бу тилакларига дилдошмиз.

Еттита комбайн, ўнта прицеп, бешта автомобиль билан кунига неча гектардаги ҳосиллар ўриб-йиғиб, ташиб олинди. Айни пайтда обитобида маккажўхори, шоли, картошка ва бошқа такрорий экинлар тезкорлик билан экиляптики, бунинг баракаси ҳам аввал фидокорона меҳнатда, жамоа ҳар бир аъзосининг фидойилигидадир.

Пўлат АКБАРОВ олган сурат.

Хабарингиз борми?

ЗАРАФШОН ШАҲРИ — 30 ЁШДА

Олис Қизилқум сарҳадларининг қоқ белида жойлашган афсонавий Зарафшон шаҳри бугун ўттиз ёшга тўлди. 1965 йилда илк пойдевори қўйилган ва юзлаб аҳолиси бўлган бу гўзал шаҳарда ҳозирги кунда 50 дан зиёд миллат ва элатга мансуб бўлган 80 минг аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг асосий кўпчилиги кон изловчи, олтин қазиб олувчи, геолог ва геофизиклардан иборат. Энг қувончлиси бу — Зарафшон нафақат мустақил Ўзбекистонда, балки бутун дунёда кенг танилаётганидир. Бунга асосий сабаб шаҳарнинг ер ости қазилмаларига бойлигидир. Биргина Мурунтов олтин конининг ўзини оладиган бўлсак, мазкур кон чорак асрдан ошибдики, ноёб маъданларини жаҳон узра кўз-кўз қилмоқда. Шаҳарнинг қутлуғ юбилей тўйи арафасида Мурунтовда яна бир қувончли воқеа юз берди. Яъни, бу ерда Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигининг тарихий рамзи бўлган «Зарафшон — Ньюмонт» қўшма корхонаси ишга туширилди. Бундан ташқари Зарафшон олтинини қайта ишлайдиган «Зарис парк» кенг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган «Агама» қўшма корхоналари ҳам олтинтопарлар шаҳри Зарафшоннинг фахр ифтихоридир.

Ана шундай кенг кўламли бойликларга ва қувватларга эга бўлгани учун ҳам бу шаҳар йилдан йилга чирой очмоқда. Ана шундан бўлса керак шаҳарнинг 30 йиллик юбилей тантаналари биргина Қизилқум узра эмас, балки навқирон Навоий вилоятида кенг тантана қилинди. Тантаналарда нафақат вилоят ва республика вакиллари, балки кўплаб хорижий мамлакатлар ишбилармонлари ҳам иштирок этишди. Тантаналар куни шаҳарда савдо павильонлари ташкил этилди. Ўйингоҳлар ва дам олиш масканлари зарафшонликлар ва меҳмонлар билан гавжум бўлди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

"МУСТАҚИЛЛИК"

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАКИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.



Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.
МАРКАЗИЙ БАНК.
ЖАМҒАРМА БАНКИ.
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКСАВДО.
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

ЭНГ БУЮК БОЙЛИГИМИЗ - ҚАРДОШЛИГИМИЗДИР!



TURKİYE CUMHURİYETİ
BASBAKANI
SAYIN TANSU ÇİLLER
HANIMEFENDİ'NİN
ÖZBEKİSTAN'A RESMİ ZİYARETİNİN,
ÖZBEK VE TÜRK HALKLARI
ARASINDAKİ TARİHİ DOSTLUĞU
VE ÖZBEKİSTAN CUMHURİYETİ
İLE TÜRKİYE CUMHURİYETİ
ARASINDAKİ KARDEŞLİK VE
İŞBİRLİĞİ BAĞLARINI
GÜÇLENDİRMESİNİ DİLİYORUZ.





МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВ ВА МУҲТАРАМА ТАНСУ ЧИЛЛЕРНИНГ
ЎЗБЕК ВА ТУРК МЕЪМОРЛАРИ ҲАМДА МУҲАНДИСЛАРИ ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИКДА БУНЁД ЭТГАН **ТОШКЕНТЛЕНД** УЛКАН ОРОМГОҲИНИ ЗИЁРАТ ЭТИШЛАРИ БИЗ ЎЗБЕК ВА ТУРК ҚУРУВЧИЛАРИНИ БЕҲАД ҒУРУР ВА ИФТИХОР-ЛА ШОД ЭТАДИ.







Ҳay-sela



МИННАТДОРЛИК ВА ҚУТЛОВ

Биз Ўзбекистон Республикасининг муҳтарам Президентига Ўзбекистонда хорижий сармоялар учун қулай шарт-шароит яратиб берганлигидан бағоят миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Зеро, бу шарт-шароит бизга қўшма корхона тузишга имкон берди. Ўзбекистондаги энг йирик қўшма корхоналардан бирининг ишга туширилганлигидан ўз қувончимизни Ўзбекистоннинг барча ҳурматли фуқаролари билан баҳам кўрмоқчимиз. Ўйлаймизки, ушбу корхона Ўзбекистон яқин келажакда жаҳоннинг буюк давлатларидан бирига айланишида муносиб ҳисса қўшади.

"САМЖИНТЕКС"

Низом сармояси 21.000. 000 АҚШ доллари, 22 гектарда қурилган ишлаб чиқариш майдони 28.150 кв.м., йиллик айланмаси 35.000. 000 АҚШ доллари бўлган қўшма корхона Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида 1300 фуқарони иш билан таъминламоқда ва пахта толасидан эркаклар, хотин-қизлар ва болаларнинг замонавий, кашталик устки кийимини ишлаб чиқармоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Туркия Республикаси Бош вазири Тансу Чиллер хонимнинг Ўзбекистон Республикасига биринчи расмий ташрифини қутлаймиз.

"ЯЗЕКС ТЕКСТИЛЬ"

YAZEKS TEXTILE

GRATITUDE & FELICITATIONS

We wish to express our greatest gratitude to the most honorable President of the Republic of Uzbekistan Islam Karimov for creating the most eligible foreign investment conditions in Uzbekistan and thus enable us to accomplish, and invite all the proud citizens of Uzbekistan to share our felicity for completion of one of the biggest joint venture companies in Uzbekistan, which will have its proud share in making Uzbekistan one of the greatest nations of the world in the very near future.

"SAMCINTEKS"

With an all paid up capital of 21.000.000 US dollars, constructed in a land of 22 hectars with 28.150 m^2 factory buildings, which will make an annual turn over of 35.000.000 US dollars whilst employng 1300 citizens from Samarkand Jambay Region and produce from cotton, most modern printed and embroidered men's, ladies's and children's outer wear.

We also take opportunity, to express our salutations to Turkish Prime Minister Mrs. Tansu Ciller, who will be making her first state visit to Uzbekistan.

"Yazeks-Textile"

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 10

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари".
18.40 Футбол шарҳи"
18.55 "Ҳуқуқий жамият сари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Ўзбекистон — тараққиёт йўлида".
20.10 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 ЎзТВ хазинасидан. Иззат Султон. "Имон". Телеспектакль.
23.30 Эълонлар.
23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси тақдимида:

18.30 "Галатепалик авлиё". Қисқа метражли бадиий фильм.
18.55 "Тафсилот".
19.10 "Саломатлик — туман бойлик".
19.40 "Деҳқон ҳиммати".
20.10 "Спорт-тайм".
20.40 — 22.40 "Осилсанг, баланд дорга осил". Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

ЎзТВ III

17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 "Репортёр".
20.50 "Автолаҳза".
21.00 "Ҳақиқат онлари".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35 — 23.25 Тунги телесериал. "Океан". Бадиий фильм. (Италия — Испания — Буюк Британия). 2-серия. 1-қисм.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Ёшлик" студияси. "Ғазалхон ёшлигим".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

*

"ОМАД" тақдимида:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 Жаҳон географияси.
21.35 Эълонлар.
21.40 Видео — "О".
23.20 Эълонлар.
23.25 "Курьер".
23.45 "... яна об-ҳаво ҳақида".
23.55 — 00.05 "Постфактум".

СЕШАНБА, 11

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Ўлан". Бадиий фильм.
9.35 Немис тили.
10.05 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
10.40 "Абитуриент-95". Физика.
11.10 Болалар учун. "Ёзимиз — соз ўтмоқда".
11.40 — 13.40 "Умидлар йили". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Кўнғироқча".
18.40 "Солиқ".
19.00 "Тафаккур ёлқинлари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Истиқлол адабиёти".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Инсон, жамият, қонун".
22.05 "Эъзозодаги қўшиқлар".
22.50 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 7-қисм.
23.35 Эълонлар.
23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" тақдимида:

18.30 "Мультфейерверк".
19.00 "Табиат дунёси".
19.50 Янгиликлар.
19.55 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.15 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
21.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 Видеогид.
21.50 "Теле-ателье-шоу".
22.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.40 — 00.20 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

6.30—8.00 "Телетонг".

* * *

17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 Жаҳон операси намояндалари. Ж. Верди. "Аида".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35 — 23.50 Жаҳон операси намояндалари. Ж. Верди. "Аида" (давоми).

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Ғўзаллик бунёдкорлари".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.00 "Соккер-клуб".
21.45 — 21.55 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 12

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Тоғдаги ғор сирлари". Бадиий фильм.
9.15 "Ёшлик" студияси. "Эъзоз".
9.55 "Абитуриент-95". Математика.
10.25 Шифокор экрани.
10.55 Чолғу куйларидан концерт.
11.25 — 13.25 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 "Суянч".
18.40 "Тараққиёт".
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Навоийхонлик". Адабий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Бухоро вилояти.
22.10 Ўзбек Давлат филармонияси "Лазги" ашула ва рақс ансамблининг концерти.
22.55 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 8-қисм.
23.45 Эълонлар.
23.50 — 00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси тақдимида:

18.30 "Акс-садо".
19.00 "Бумеранг". Экология ҳақида.
19.30 "Тошкент оқшомида".
20.30 "Фильмлар ва тақдирлар". Кинокўрсатув.
21.15 — 22.55 "Кинематограф".

ЎзТВ III

6.30—8.00 "Телетонг".

* * *

17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.50 Мини-футбол.
21.00 "Давр дарёси".
21.10 "Адабиётларни излаб".
21.50 "Автолаҳза".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35—23.30 Тунги телесериал. "Океан". Бадиий фильм. 2-серия. 2-қисм.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Тадбиркорлик мактаби".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

*

"ОМАД" тақдимида:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 — 23.45 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 13

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Бировнинг хати". Бадиий фильм.
9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.00 "Абитуриент-95". Она тили ва адабиёт.
10.30 "Ҳаёт сўқмоқлари". Кинодастур.
11.10 "Ишбилармон".
11.40 — 13.40 "Ёшлик" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.15 Болалар учун. "Эртаклар — яхшиликка етаклар".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Жаҳон жанговар санъатлари".
22.00 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 9-қисм.
22.30 "Актёрлар ва роллар". Ғайбулла Ҳожиев.
23.30 Эълонлар.
23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" тақдимида:

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Кўнгил".
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.00 "Ишингиз бароридан келсин!"
19.10 "Теле-ателье-шоу".
19.20 Янгиликлар.
19.25 Видео янгиликлари.
19.45 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.20 — 23.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

6.30—8.00 "Телетонг".

* * *

17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 Телефильм.
20.55 Фавқулодда канал.
21.45 "Давр дарёси".
21.50 "Автолаҳза".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35—22.50 Жойлардан репортаж.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мультқарусель".
19.00 "Тушимизга кийиклар киради". Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Замандас" (қозоқ тилида).
21.35 — 22.15 "Салом, Франция!".

ЖУМА, 14

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Осмондан тушган беш ўғлон". Бадиий фильм.
9.30 Немис тили.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Бир ўлкаки..."
10.40 "Вазият".
11.10 "Китоб ва ҳаёт".
11.40 "Маърифат маскани".
12.10 — 12.55 "Дўстлик риштлари".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 "Кичкинтой" студияси. "Доно бобо даврасида".
18.50 "Сиҳат-саломатлик".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Мушоҳада учун мавзу".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Мен туғилган тупроқ".
21.50 "Назм ва наво". Ҳазиний лирикаси.
22.35 ЎзТВ экранида биринчи марта. "Тасодифий қотил". Бадиий фильм.
23.50 Эълонлар.
23.55 — 00.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси тақдимида:

18.30 "Билиб қўйган яхши".
18.55 "Самарали изланишлар".
19.25 "02" тўлқинида.
19.50 "Ибратли умр".
20.00 "Бизнес-академия".
20.25 "Излаган имкон топади".
21.00 — 22.30 "Йўқолган гувоҳ". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

6.30—8.00 "Телетонг".

* * *

17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 "Қотил бунинг ўзи..." Бадиий фильм.
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.40—00.20 Экранда премьера. "Қора сувлар устидан". Бадиий фильм.

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Ҳаракатда баракат".
19.15 "Байрамали". Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

*

ОМАД" тақдимида:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 "Автоклуб".
21.25 Машҳур кишилар клуби. М. Матье.
22.05 Эълонлар.
22.10 "Даракчи".
22.20 Эълонлар.
22.25 — 00.05 Видео — "О".

ШАНБА, 15

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви

*

8.00 "Уйимизга шер келди". Бадиий фильм.
9.05 "Цирк! Цирк! Цирк!"
9.50 Тавфиқ ал-Ҳаким. "Изҳор". Теленовелла.
10.30 "Кино таҳририяти" почтасидан.
11.15 "Хотира". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Матниёз Юсупов.
12.15 — 14.15 "Маънавият" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 "Сирли сандиқ". Телеўйин.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Кўнгил изҳори". Аҳмаджон Шукуров куйлайди.
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Мактуб — кўнгил ойнаси".
22.10 "Олтин мерос". Ўзбекистон халқ артисти Миршоҳид Мироқилов.
23.10 Эълонлар.
23.15 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
23.25 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" тақдимида:

9.00 "Мультфейерверк".
9.30 "Табиат дунёси".
10.20 Янгиликлар.
10.25 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.45 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.00 Видеогид.
12.20 "Теле-ателье-шоу".
12.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.55 "Кинонигоҳ".
14.35 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

*

"Тошкент" студияси тақдимида:

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Пульс". Хабарлар.
19.25 "Менинг кўчам".
19.45 "Хонадонингиз осойишта бўлсин!"
20.45 — 22.25 "Кинематограф".

ЎзТВ III

17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 Телефильм.
20.55 "Аншлаг".
21.50 "Автолаҳза".
22.00 "Вести".
22.25—23.15 "Мутлақо маҳфий".

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Безнен мирас" (татар тилида).
10.40 "Умид" (уйғур тилида).
11.20 — 11.50 Болалар учун фильм. "Эшмат—раҳмдил фариштa".

***

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Уммондан томчи".
20.25 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.50 "Технопарк".
21.30 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.40 "Таклифлар ва ташрифлар".
22.05 "Деҳқон даладан қайтди".
23.05 "Бу ажиб дунё".
23.05 — 23.15 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЯКШАНБА, 16

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.15 "Юрт ҳақида қўшиқ".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Сирли сандиқ". Телеўйин (такрор.).
12.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Қувноқ стартлар".
12.45 "Туркистон — умумий уйимиз". Мусиқий дастур.
13.30 — 14.45 Ғ. Раҳмон. "Синган танбур нидоси". М. Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят театрининг спектакли.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 "Маҳалламиз болалари".
19.05 "Ойнаи жаҳонда..."
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Кино ва томошабин".
20.45 "Телеоператор нигоҳида".
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 Санъат усталарининг концерти. Халқлар Дўстлиги саройидан ёзиб олинган.
22.35 Эълонлар.
22.40 "Оқсоқ дарвеш". Бадиий фильм.
00.15 — 00.40 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" тақдимида:

10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Кўнгил".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Ишингиз бароридан келсин!"
10.40 "Теле-ателье-шоу".
10.50 Янгиликлар.
10.55 Видео янгиликлари.
11.15 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
12.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 — 14.30 "Кинонигоҳ".

***

17.00 "Совға".
17.30 Жаҳон географияси.
18.20 Эълонлар.
18.25 Видео — "О".
20.05 Эълонлар.
20.10 "Курьер".
20.30 "... яна об-ҳаво ҳақида".
20.40 "Постфактум".
20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 "Автосалон".
21.30 "Ҳамма — табассум учун".
22.00 "Америка юлдузлари".
22.30 Эълонлар.
22.35 "Даракчи".
22.45 Эълонлар.
22.50 — 00.30 Видео — "О".

ЎзТВ III

17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 "Осойишта уй".
21.25 "Ксюша ҳузурида меҳмонда".
22.00 "Вести".
22.25—00.05 "Шафқатсиз одамлар". Бадиий фильм (АҚШ).

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Аэробика.
9.15 "Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!" Мультфильм.
9.55 "Менинг кўчам".
10.10 "Эсдалик учун дастхат".
10.40 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
12.10 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
12.20 — 13.35 "Нокдаун". Бадиий фильм.

***

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.10 "Бу ажиб дунё".
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.00 "Хорижнинг биринчи элчилари".
21.40 "Сирдошим".
22.15 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.25 "Вариацияли мавзу".
22.50 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
23.00 — 23.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Чилонзор"—"Маданият".

"СИНТЕЗ — АФ" ФИРМАСИ

ҲУРМАТЛИ МИЖОЗЛАР ЭЪТИБОРИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

— айланаси (диаметри) 76 мм, 57 мм, 50 мм, 32 мм бўлган металл қувурлар;
— кальций карбиди;
— Москва шаҳридаги "Пушкинский текстиль" фабрикасида ишлаб чиқарилган юқори ассортиментдаги жун (шерст) газламалар (11 турда);
— Франция парфюмерияси "Divina" ва "Camelia" атирларини Тошкентдаги омбордан сотади.

Фирмамизга доимий ишлаш учун ўзбек ва рус тилларида эркин сўзлаша оладиган, тижорат тизимида камида икки йил ишлаган маслаҳатчи ҳуқуқшунос керак.

Доимий ва бўлажак мижозларимизга янги манзилимизни маълум қиламиз: Тошкент шаҳри, Ботир Бобоев (собиқ Педагогическая) кўчаси, 142-уй. Мўлжал: Педагогика институти ёнида.

ТЕЛЕФОНЛАР:
53-17-56, 53-18-51, 53-19-06, 53-17-27, 53-14-29, 53-14-13, 53-18-33, 53-10-33, 53-14-58, 53-10-45.

БОЗОР — ЮРТ КЎЗГУСИ

Ойда-йилда бир бозор,
Уни ҳам ёмғир бузар.

Пулинг борда бозор кез,
Пулинг йўқда мозор кез.

Болали уй бозор, боласиз уй мозор.

Отанг бозор, онанг бозор.

Ҳисобдон бир кун етим,
Ҳисобсиз минг кун.

Қўли текканнинг оғзи тегади.

Бозорда юрганнинг кўзи тўяди.
Ҳаракат қилса ўзи тўяди.

От олсанг уйинг билан кенгаш,
От сотсанг эл-овул билан.

От бозори — бахт бозори.

Пули борнинг қўли ўйнайди,
Пули йўқнинг кўзи ўйнайди.

Сармояни билмаган,
Ҳамёнидан айрилар.

Бир қўй — барака, учтаси — хазина.

Яхши от пойгада, савдогар савдода пишади.

Бозор — юрт кўзгуси.

Юнус ЗИЁДОВ тўплаган.



Чотқол бўйларида.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

САВОЛ: Мактаб муаллимларидан неча фоиз солиқ ҳақи олиниши ҳақида маълумот берсангиз.

Х. МИРКАРИМОВА, Сирдарё тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 мартдаги 72-сон қарори билан сизларга имтиёзли солиқ белгиланган. Ўқитувчи ва завучлардан 25, мактаб директоридан 35 фоиздан солиқ олиш кўзда тутилган.

***

САВОЛ: Бизнинг ҳўжалигимизда иккита ветврач ва 5 зоотехниги ишлар эди. Яқинда зоотехникларни қисқартиришди. Шу тўғрими?

Я. НУРИТДИНОВ, Пайариқ тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Меҳнат қонунлари кодексининг 41-моддасига биноан корхона, муассаса ва ташкилот тугатилган, ходимлар сони ва штати қисқартирилган холларда маъмурият меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин, дейилган.

Шу билан бирга Меҳнат кодексининг 42-моддасига биноан корхонада узлуксиз иш давомийлиги кўпроқ бўлган ходимлар, оиласида мустақил иш ҳақи оладиган бошқа аъзолар бўлмаса, шунингдек, уруш ногиронларининг оила аъзоларига имтиёзлар бериш кўзда тутилган.

Забиҳилло МУҲАММАДЖОНОВ, ҳуқуқшунос.

Ие, йўғ-е, наҳотки!

МУАЛЛИМЛИК ОСОНМАС

ТРАНСВААЛ вилояти (Жанубий Африка Республикаси)нинг Артурсвью шаҳрида яшовчи Дик Шварценберг ўзини шу пайтгача жониворларнинг ҳақиқий дўсти деб ҳисобларди. Унинг уйида тўртта мушук, учта ит ва Салли лақабли горилла тинч-тотув яшаб келаётган эди. Улар билан Дикнинг муносабати ҳам яхши эди. Аммо бир воқеа сабаб Дик билан горилла ўртасидаги муносабат ўзгариб қолди.

Бир куни Дикнинг хаёлига ғалати фикр келди: у ўзича маймунга электрон ҳарф териш машинкасида ёзишни ўргатмоқчи бўлди. Машғулот аввалига гориллага маъқул тушди. Бироқ орадан бир неча кун ўтгач, горилла инжиқлик қила бошлади. Албатта, бу соҳибга ёқмади. Маймунни жазоламоқчи бўлган Дик бир неча бор гориллага шапалоқ туширди (албатта, секин-секин). Салли бунга чидаб туролмади. 6 килолик ёзув машинкасини даст кўтарди-да Дикнинг бошига солди.

Ҳа, муаллимлик ҳам осон эмас экан, дея ҳазиллашади немисларнинг «Зюддойче цайтунг» газетаси журналистлари.

КЎРИҚЧИ ҒОЗЛАР

БРАЗИЛИЯНИНГ Риу-Грандиду-Сул штатидаги Санта-Мария шаҳарчасида маҳаллий ҳокимият ходим етишмаслиги туфайли қамоқхоналарда назоратчи-кўриқчи сифатида ғозлар хизматидан фойдаланмоқда.

Қизиғи шундаки, олтита ғоз неча йилдан бери шаҳардаги қамоқхонанинг ички ҳовлисида — кузатувчилик постида ўз вазифасини сидқидилдан бажармоқда. Ҳатто бир сафар тун қоронғусидан фойдаланган беш маҳбуснинг қочмоқчи бўлганлигини сезиб қолган қанотли қўриқчилар шовқин-сурон кўтарганлар. Ғозларнинг тўполонидан сўнг етиб келган соқчилар маҳбусларни тутиб олганлар.

Бошқотирма

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ

Аввало, қуйида таърифланган номларни топиб, шаклда белгиланган ҳонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзинг.

1. Урта аср шарқининг «Иккинчи муаллими», «Шарқ Арастуси» деб улуғланган қомусий олим, мутафаккир. 2. Узбек мумтоз шоираси. 3. Шоир ва тарихчи, саркарда, давлат арбоби, Темурийлар сулоласининг сунгги вакили. 4. Мумтоз узбек шоири, «Юсуф ва Зулайҳо» достони муаллифи. 5. Машҳур ахлоқий-таълимий асар — «Қобуснома» муаллифи. 6. Мутафаккир шоир, «Гулистон», «Бустон» асарлари муаллифи. 7. Ота-бобоси шаҳрисабзлик, Ҳиндистонда яшаб ижод этган мутафаккир шоир, «Комдо ва Мудан» достони муаллифи. 8. XVII аср иккинчи ярми XVIII аср бошларида яшаган мумтоз шоир, мусиқийликка монанд ғазаллар муаллифи. 9. XVIII асрда яшаган шоир, «Ҳусну дил» достони муаллифи. 10. Устоз адиб «Утган кунлар» романи муаллифи. 11. «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» ва «Ҳиндистон» асарларини ёзган қомусий олим. 12. Маърифатпарвар узбек шоири, «Илм хосияти», «Саргузаштнома» асарлари муалифи. 13. Мир Алишер Навоий болалигида ёддан билган «Мантиқ-ут-тайр» («Қушлар тили») достонини ёзган форс-тожик мутафаккир шоири. 14. XIX асрда яшаган хоразмлик мумтоз шоир ва тарихчи, Мунис Хоразмийнинг «Фирдавс ул-иқбол» («Иқбол боғи») асари давомчиси. 15. Марказий Осиёлик таниқли риёзиёт ва фалакиёт олими, «Алжабр вал муқобила» асари муаллифи. 16. Хамсанавис шоир, ғазал мулкнинг султони, мутафаккир. 17. Замондошлари таърифида «Афлотуни замон» номини олган аллома, Мирзо Улуғбек устози. 18. «Гул ва Наврўз» достонини ёзган ўзбек мумтоз шоири.



МУАММОНОМА

Қуйидаги ҳикматларда рақамлар билан яширинган сўзларни топиб очқични ҳал этинг:

1. Маҳмуд Қошғарий:

Белги булса 15, 10, 2, 8. йўлдан, ақлли булса сўздан адашмайди.

2. Юсуф Хос Ҳожиб:

Кишилар аро энг асл мард шу эрур,
Ки ундан одамлар талай нафъ кўрур.
Нафси йўқ киши элга кони 16, 2, 17, 2, 17.
Ва нафъли киши нафъ ила тўлур.

3. Аҳмад Югнакий:

Тилинг билан 18, 13 ҳиссини қўзғатма, билки 18, 7. Яраси битару тил яраси битмас.

4. Абу Али ибн Сино:

Меҳнату бедорликка ошно бўл, эй рафиқ,
Барча йўллар ичра сенга бу асл 19, 18, 6 эй рафиқ,
Бу жаҳонда қўлга кирмас бемашаққат 11, 15, 6, 4, бахт,
Гафлат уйқуси ила бўлсин ўзга машғуд, эй рафиқ.

5. Абдураҳмон ЖОМИЙ:

Ўзингга оро бергунча, эй ўғил,
Яхшиси мулки, овлагил 14, 18, 3, 12, 1, 6.

6. Гулханий:

5, 2, 9, 17, қилсанг, ғўрадин ҳолва битар,
Бесабрлар ўз оёғидин йитар.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқич сўзларидаги тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммони ҳал этинг. Бунда аён буладиган тўрт мисра ҳикматли сўз шарқ мутафаккири Абу Ало Ал !! Маарриға мансуб.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ ВАЗИРИ МУҲТАРАМА ТАНСУ ЧИЛЛЕР ХОНИМ АФАНДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН "ТУРК ҲАВО ЙЎЛЛАРИ" АВИАКОМПАНИЯСИ ЎЗ САЛОМИНИ ЙЎЛЛАЙДИ.

УШБУ ТАШРИФ ИККАЛА МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДА УЛУҒ ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.



"ТУРК ҲАВО ЙЎЛЛАРИ" авиакомпанияси Ўзбекистон тижоратчилари хизматига бел боғлаган. Сизлар Истанбул шаҳри орқали жаҳоннинг 60 дан зиёд мамлакатига парвоз қилишингиз учун барча шароитларни яратишга кафолат берамиз.

Телефонлар: 56-15-63, 56-45-54. Тошкент, Мустафо Камол Отатурк кўчаси, 24-уй.

TURKISH AIRLINES

ЛАБИМДА ОЧИЛИБ КЕТАДИ ГУЛЛАР



Инобат (Нормуродова) ОЙДИН қўнғилнинг шоираси. Шеърларида армон, сатрларида улкан Соғинч, оҳангларида эса каттакон Юракни кўриб, сезиб турасиз. Шеърий тўплами чоп этилган. Ойнаи жаҳонда баракали ижод қилаётир.

Унинг Шеъриятидан булак яна бир — сизу биз ҳавас қилсак арзигулик Бахти бор. Икки ўғилнинг онаси, тукингина оиланинг дилбар бекаси ҳам.

***

Ўзим асли ёмонман —
Салом худонинг қарзи.
Қулоғимга кирмайди,
Муҳтарам қулнинг арзи.
Ҳар бир бутоқ бир ўйчан,
Икки кўзи кўр тумор.
Сарғайган дарахт бўйчан,
Яшил рангларга ҳумор.
Тупроққа қоришган ер,
Жонини хушлаб ётар.
Тор қўйнимга сиғмай кўр,
Кўзимга қумлар ботар.
Ўзни алламоқчидай,
Тўхтаб қолар туманлар.
Бир марта кўрмоқ бўлиб
Сарсон кезар гумонлар.
Мисралар тошдай оғир,
Мушку анбар бағри сўқ.
Тушимга кирмадингиз —
Мени соғинган йўқ!

***

Қоронғу дераза қовоғин уяр,
Ҳорғин кўзларимда тўхтаб қолар моҳ.
Сўрамай елкамга бошини қўяр,
Юзимга юзини босар тийрамоҳ.

Тилимнинг учида очилади сўз,
Қоқ икки бўлиниб кетади кунлар.
Тонг кириб келади уйимга, қачон
Лабимда очилиб кетади гуллар...

***

Қадим кеча қон ютди,
Қувради шоҳлар — басир.
Жим кутди, жим-а, кутди,
Бандаси қайтар ахир.

Пастак уйнинг томига,
Тунги тушдан ой битди.
Қалдирғочлар номига
Зотн сур қалаб ўтди.

Тут новдасин кесган тил
Чарх айлади ўзини.
Сабр қилар юз минг йил,
Тилаб орқа изини.

Ё, илоҳим ўзингдан
Ризо тавба-тазарру.
Гуноҳидан ўтмасанг,
Хазон янглиг тўзар у.

Юз минг йилда бош бўлмас,
Билмагани бисмиллоҳ,
Туфроқ сифат тош бўлмас
Биҳамдиллоҳ, оҳ, Аллоҳ!..

***

Тоғдан тош кўчса чилай;
ҳақ тонгуси омонлар.
Йўл излаган йўлчидай
Еб кўяди гумонлар.
Бошдан сирғалар ҳушим,
Қирқ азобда қирқ кечам.
Қўшиқ айтар бахт қушим,
Ашкиё қилмас ҳечам.
Кимга керак кун қаро,
Кимга керак, билмасман.
Эрта кетсам дунёдан
Яна қайтиб келмасман.
Кетсам гумонлараро,
Ичмоққа гулоб, майман.
Юрагим оғрир, яро,
Мен Сизни...
(соғинмайман!..)

Инобат ОЙДИН.

Муниддин ЖУВАЙНИЙ

ОДОБ БЎСТОНИ ВА АХЛОҚ ГУЛИСТОНИ

ҲИКОЯТ. Одоб хазинасини юрагига жойлаган бир йигит бор эди. У ўз бахтини тополмай бир неча вақт сарсон-саргардонликда юрди. Кунлардан бир кун Анушервоннинг ходимларидан бирининг хизматига кириб қолди. У ердаги қийинчилик ва макру ҳийлаларнинг азобига қанчалик сабр қилмасин бирор фойда кўрмади. Қоронғу тунларини эса оғир хаёллар билан ўтказди. Байт:

Куннинг жамолини кўрай деганга,
Тунда сабр қилмоқ ёлғиз чораси.
Гавҳар қидирувчи меҳнатдан қўрқса,
Қўлига чиқмагай дурнинг сараси!

Бир куни Анушервон мажлис уюштирди. Сўнг у ўз мулозимларидан: «Энг юмшоқ нарса нима?» — деб сўради. Биров: «Шоҳи» деб жавоб берди. Биров эса: «Товус патлари» деди. Яна бирови эса: «Шоҳидан ҳам юмшоқроқ нима нарса бўлиши мумкин», — деди. Шу пайт ҳалиги йигит сарой тепасида турган эди. У мулозимларнинг жавобидан Анушервоннинг кўнгли тўлмаганини кўриб, сўзлашга ижозат сўради. Ижозат бўлгач, деди: «Энг юмшоқ нарса тинчликдир!». Анушервон унга офарин айтди ва яна сўради: «Энг яхши овқат қандай овқат?». Йигит: «Шаҳвоний қувватни оширмайдиган ва танда иллат қўзғатмайдиган овқат энг яхши овқатдир» — деди. Яна сўради: «Энг яхши шароб қайси шароб?» Йигит: «Ақлни зое қилмайдиган ва касаллик келтирмайдиган» — деб жавоб берди. Яна сўради: «Гулларнинг ичида энг ширин ҳидлиси қайси?». Йигит: «Ота-она тириклигида уларни хурсанд қиладиган, ўлгандан кейин эса уларнинг номини боқийлаштирадиган ҳаёт гули бўлмиш фарзанд!» — деб жавоб берди.

Анушервон йигитни тақдирлади ва ўз ҳакимлари орасига олди. Байт:

Доно ночорликда қолса ҳам бир кун,
Умиди ҳосилдан кўрсатар нишон.
Мушкни кўр либосга бекитилса ҳам,
Ҳид сочиб ўзини қилур намоён.

Ас-Саъиду-с-Самарқандий

ЖОНЗОТЛАРНИНГ ТИББИЙ ХОСИЯТЛАРИ

Боболаринг анойи эмас...

Шарқшунос олим Маҳмуд ҲАСАНИЙ таҳрири остида

ҲАМОМ — КАБУТАР. Форсий ва туркийда кабутардур.

Ал-ҳукм — ҳалолдур.

Хосияти. Чун анинг бачасинким, тоза пар чиқарғон бўлса анинг кабоби шол ва қалтуроқ ва истисқони дафъ қилур. Ва баданни семиз қилиб ва меъдага қувват бериб, боҳни зиёд қилур ва чун кабутарнинг пўтакаси (жиғилдони)нинг ичидаги пардасин пок этиб ва салоя қилиб (янчиб) есалар илон чаққанининг заҳрин дафъ қилур. Ва чун кабутар бачани тузсиз кунжут ёғида есалар санги масона (қовуқ тоши)ни дарҳол пора-пора қилиб чиқарур. Ва чун бир одамни чаён чақса кабутар бачани икки пора қилиб, чаён чақғон ерга ёпсалар анинг оғриғин олур. Ва кабутарнинг юмуртқаси (тухуми)дин беш ададни тўнғуз ёғи билан ҳал қилиб, закарга суртилса ҳаракати жимоъ учун бағоят муассирдур. Ва ҳар ким кабутар бачани (доимий) одат қилиб еса, барас (пес) пайдо қилур. Ва кабутар бачани кабоб қилурда оби ғўра (ғўр узум суви) ва сирка ва кашнич билан кабоб қилиб, ҳардал ва ҳиёр (бодринг) билан емоқ керак.

Спорт

Енгил атлетика

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИ КЎЗЛАБ

Тошкентдаги МҲСК ўйингоҳида ўтказилган Ўзбекистон Қуролли Кучлари чемпионати кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Бўлажак жаҳон чемпионати ва Марказий Осиё ўйинларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишни кўзлаган спортчилар маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилишди. Жумладан, Сергей Кот ядрони 18 метр 86 сантиметрга улоқтириб, ғалаба қозонди. Вадим Попов диск улоқтиришни 57 метр 80 сантиметрга етказиб, ғолиблик супасига кўтарилди. Минг метрга тўсиқлар оша югурган Наталья Дорогина 59,5 секундли натижа билан ғалаба қозонди. Людмила Дмитриади 100 метр ва 200 метрга югуришда зафар қучди. 800 ва 1500 метрга югурган Елена Зайцева ҳам маррада биринчи бўлди.

Бокс

ТАЙСОН ЯНА КУРАШМОҚЧИ

Яқинда қамоқдан озод бўлган таниқли боксчи Майк Тайсон яна рингни кўмсамоқда.

У 19 август куни у бостонлик Питер Макнилига рўбарў бўлади. Томоша билетлари 200-1500 долларга чиқди. Қизиғи шундаки, Тайсоннинг рақиби 36 марта жанг қилиб, 35 ғалабанинг 30 тасини нокаут билан якунлаган.

Суд залидан

РЭКЕТЧИЛАР ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Сирдарё вилояти прокуратура органлари Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан биргаликда Янгиер шаҳри ва Меҳнатобод тумани ҳудудида рэкет билан шуғулланиб келган жиноий гуруҳни зарарсизлантирди.

Жиноятчиларга К. Солиев деган кимса бош бўлган. Таъмагирлар дўқ-пўписа билан хусусий мулк эгаларидан, шунингдек давлат корхоналарининг раҳбарларидан кўп миқдорда пул ва товарлар талаб қилганлар. Масалан, жиноятчилар «Янгиер» хўжалигидан 68 минг сўмлик, «Меҳнатобод» хўжалигидан 600 минг сўмлик маҳсулот олганлар. Терговда бошқа кўплаб таъмагирлик фактлари ҳам аниқланди.

Вилоят судининг Т. Исақулов раислигида ва давлат айбловчиси — Сирдарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари Р. Пўлатов иштирокида бўлиб ўтган мажлисида жиноятчиларнинг хатти-ҳаракати батафсил кўриб чиқилди. Тўда бошлиғи К. Солиев 17 йилга, унинг шериклари А. Кенжаев, Х. Бобобеков 14, Ш. Боймуродов 7, Ф. Тожиев 4 йилга озодликдан маҳрум этилди. Уларнинг мол-мулки мусодара қилинадиган бўлди.

(ЎзА мухбири).

Оббо!

НУР ЎҒРИЛАРИ

Абдулла счётчикка қарай-қарай кўзлари чиқадай пирпираб кетди.

— Шунча ишладингми ҳали?

Жаҳл чиқса, ақл қочар дейишгани рост экан. Унинг ғазаби ана шундай асов отга минди. Темир-терсакдан ишланган счётчикни муштлаб ташлаганини билмай қолди. Ёпирай мўъжиза рўй берди. Счётчик жимиб қолди. Бу ҳолни кўрган Абдулла лотереясига ютуқ чиққандек севиниб кетди. Кейин дарров уйидаги бор чироқларни ёқиб чиқиб счётчикка гап қотди.

— Ҳа, муғомбир. Энди қалайсан? Бундан буён маза. Электр текин.

Кўп ўтмай, счётчикларни Ғиждувон туман электр тармоқлари корхонасининг Ғайбулла Абдуллаев, Фармон Исломов, Садриддин Ҳакимов, Туроб Эргашев, Фахриддин Расулов, Ҳошим Муҳиддинов, Тўрақул Жўрақулов каби назоратчилари текшириб юрганини кўрган «ихтирочи»нинг дами ичига тушиб кетди.

Чунки ғишт қолипдан кўчган, счётчик назоратчилар томонидан тилга киритилиб, 1995 йилнинг беш ой мобайнида 3166 киловват-соат электр энергиясидан фойдаланган экан. Шу тариқа 316 сўм 60 тийин жарима пули Абдулланинг чўнтагидан саналиб чиқди. Шу-шу бўлди-ю «Оқолтин» жамоа хўжалигининг 1-бригадасида яшовчи Абдулла Ўроқов исмига «нур ўғриси» тиркалди. Туман электр тармоқлари корхонасининг назоратчилари 1995 йилнинг беш ойида 18 нафар нур ўғрисини қўлга туширишди. А. Навоий жамоа хўжалигидан Ғаффор Бозоров 630 сўм, Олим Ҳабибов 459 сўм, «Халқобод» жамоа хўжалигидан Даврон Элов 194 сўм 40 тийин, С. Жабборов номли жамоа хўжалигидан Ризо Ҳожиев 68 сўм, Ф. Хўжаев номли жамоа хўжалигидан Қиём Сафаров 734 сўм 44 тийин, А. Қаҳҳор кўчаси 142 уйда яшовчи Ўктам Ғайбуллаев 86 сўм, А. Қаҳҳор кўчаси 5-уйда яшовчи Баҳрон Эргашев 172 сўм 80 тийин, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг 6-бригадасида яшовчи Садри Бўронов 259 сўмдан жаримани санаб бердилар.

Электр энергиясини ҳуда-беҳудага исроф қилаётган корхона ва ташкилотлар ҳам топилди. Айниқса, тумандаги Ибн Сино номли жамоа хўжалигининг темирчилик устахонаси (мудири Салим Раҳимов) 5907 сўм, «Оқолтин» жамоа хўжалигидаги АЁҚШ — 5-кичик корхонаси (бошлиғи Ибод Қосимов) 11016 сўм, Ҳ. Олимжон кўчасидаги сув хўжалиги ташкилоти (бошлиғи Ҳамроқул Тўраев) 6032 сўм, Ғ. Ғулом кўчасидаги «Салмонипак» кичик корхонаси (бошлиғи Мурод Бозоров) 1296 сўм, «Чорсу» кўчасидаги «Хўжанжаҳон» корхонаси (бошлиғи Юсуф Негматов) 5200 сўм, Ғ. Ғулом кўчасида жойлашган нон ишлаб чиқариш корхонаси (директори Карим Ражабов) 1404 сўм, Ҳ. Олимжон кўчасидаги Ғиждувон тайёрлов кооператив ташкилоти (бошлиғи Камол Ҳамроев) 10575 сўмлик жарима ботқоғига ботган эканлар. Афсуски, бу жарималар давлат ҳисобидан оппа-осон тўланиб, иш хамиридан қил суғургандай силлиқ кўчди. Аммо бошлиқларнинг парвойи палак. Ёнидан кетмаганда.

Шу ўринда савол туғилади. Нега жарима давлат ҳисобидан тўланади? Нега қўшалоқ чироқлар ёруғида ишлашга ўрганиб қолган мутасаддиларни топиб, улардан жарима ундириб олинмайди? Шунда электр энергия беҳудага исроф қилинмаган, лоқайдликка муккадан кетмаган бўлинарди.

Тоҳир МАҚСУДОВ,
«Ўзбекистон овози» жамоатчи мухбири,
Ғиждувон пахта тозалаш заводи чилангари.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли П. Ф. Боровский номли Тошкент шаҳар тиббиёт билим юрти жамоаси шу билим юрти ходими И. В. Зинковскаяга онаси

Александра Вечеславовна ЗИНКОВСКАЯнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0286.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.